

Шаффоф томчилар

Ҳикоя

Булутлардан бошига оппоқ қалпоқлар кийган юксак қоялар, кумуш чўққилар пойида ўсадиган қарағай дарахти остида тиниқ бир булоқ бор экан. Булоқнинг суви шунчалар шаффоф ва тотли эканки, уни ичган кишида янгитдан куч пайдо бўларкан. Атрофдаги барча жонзодлар, ўсимлик ва дарахтлар шу булоқдан сув ичиб, чанқоқларини қондирар эканлар. Булоқ суви майин жилғага айланиб, қуёш нурларида жимирлаб оқиб, унга боққан кўзни қамаштираркан.

Кунлардан бир куни тоғдан тош қулабди. Шунда улкан бир тош келиб булоқнинг кўзига тушибди ва уни тўсиб қўйибди. Булоқнинг кўзи тўсилиб қолгач, сув йўли беркилибди ва майин жилға ҳам оқмай қолибди. Бундан жониворлар, ўсимлик ва дарахтлар ташвишга тушибдилар. Чунки улар чанқоқликдан қийналиб, булоқнинг ширин сувини қўмсар эдилар.

Сувга ташна жонзодлар тоғу тошларни дайдиб юрувчи шиддатли шамолга илтимос қилишибди.

- Эй шамол! Сен қанчалаб дарахтларни илдизлари билан қўпориб ташлайсан, ҳатто улкан биноларни ҳам бошингда япроқ каби айлантириб эрмак қиласан. Илтимос, булоқ кўзидаги улкан харсангни олиб ташла ва бизга ҳаёт сувини ҳадя эт!

Шамол бу ишлар менга асло қийин эмас, дебди-да, бориб харсангтош сари ўзининг кучли нафасини пуркабди. Бироқ харсангтош жойидан қилт этмай тураверибди. Охири шамолнинг ҳам мадори тугаб, жонзодларга сойлар ва дарёларга илтимос қилишларини айтибди. Сойлар дарёларга қуйилиб, дарёлар кучли тўлқин урсалар ҳам, тош жойидан жилмабди. Тўлқинлар тошга урилавериб, охири чарчабдилар ва қўлларида ҳеч бир иш келмаслигини тан олибдилар.

Ноилож қолган жонзодлар тоғ паҳлавони Айиқполвонга борибдилар ва унга ёрдам беришини айтибдилар. Айиқполвон бир хумча асални еб, куч тўплабди ва белини маҳкам боғлаб, харсангтош олдида келибди. Бутун кучини тўплаб, харсангтошни кўтариб олишга уринса ҳам, Айиқполвон бунинг уддасидан чиқа олмабди. У ҳам ёрдам беролмагани учун жонзодларга ўз узрини айтибди.

Сувсизликдан булоқ бошидаги қарағай барглари, жилға бўйидаги нозик ва нафис чечаклар қовжирай бошлабдилар. Улар “сув-сув” дея зорланишар эдилар.

Шунда қаердандир майин овозлар кела бошлабди:

- Биз сизларга ёрдам берамиз! Асло ташвишга тушманг!

Чечак ва жонзодлар овоз келган томонга қарабдилар ва:

- Ким у гапираётган?!-дебдилар.

- Биз – томчилармиз!-дебди харсангтош тепасидаги ниҳол баргидан бирин-кетин томиб турган шаффоф томчилар. Улар ёмғир сувларидан ҳосил бўлиб, тоғ бағридан сизиб, юқоридан томиб тушаётган эдилар.

- Сизлар шиддатли шамол, сою дарёлар ва ҳатто мендек паҳлавон уддалай олмаган ишни қандай уддалайсиз, бунинг устига митти ва нимжон бўлсаларингиз?-хайратланиб сўрабди Айиқполвон.

- Биз кичик ва нимжон бўлсак ҳам, кўпчиликмиз, аҳил-иноқмиз, бунинг устига, барчамизнинг кўзлаган манзилимиз, мақсадимиз битта,-деб жавоб берибди томчилар.

Кўпни кўрган Лайлак момо томчиларнинг гапларига ишонибди ва уларни қўллаб-қувватлабди.

Шундай қилиб, шаффоф томчилар бир мақсад йўлида, бир сафга тизилиб, бирин-кетин харсангтош устига, бир нуқтага кетма-кет сакрайерибдилар. Улар

кечаю-кундуз тош устига томаверибдилар. Тонг отибди, кун ботибди ва яна тонг отибди...

Қарангки, бир нуқтага тинмай томиб турган томчилар ҳаттоки тошни ҳам тешиб ўтиб, ўз йўллари топибдилар. Ниҳоят, тош тешилиб, ундан ташқарига чиқолмай, қийналиб турган булоқ суви гўё фавворадек отилиб чиқибди...

Бундан барча бирдек қувонибди. Жонзодлар роса ўйин-кулги қилишибди. Илон доира бўлиб айланибди. Тимсоҳ рақсга тушибди. Тошбақа тош уйидан мўралаб, хиргойи қилибди. Маймун эса қарсак чалибди.

Чечаклар яна сувга қониб, яшил либосларига ўранибдилар. Қарағай барглари зумрад рангга кирибди. Жонзодлар эса тўйиб-тўйиб сув ичиб, чанқоқларини кондирибдилар. Майин жилға қуёш нурларида жилва қилганча ўрмон ичига қараб шошиб қолибди...

Баъзида юксак қудрат соҳиблари уддалай олмаган ишларни шаффоф томчиларга ўхшаш қалби пок, аҳил ва иноқ, нозик бўлса-да, шижоати кучлилар, иродадилар амалга оширадилар. Ҳаёт ана шундай мўъжизаларга тўла.